4-12-2303/7-сонли иқтисодий иш

Protected by PDF Anti-Copy Free

А Ж Р И М

(иш юритишни тугатиш тўғрисида)

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Гулистон шахри **2024 йил 16 январь**

Сирдарё вилоят судининг и[illegible]ий ишлар бўйича судьяси Э.Соибназаров, судья катта ёрдамчиси А.Ҳамд[illegible]нг суд мажлиси котиблигида, даъвогар “ДДД” компанияси (Хитой)нин[illegible]бгарлар “ЖЖЖ” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси, таъсисчиси “ЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамияти ҳамда қўшимча жавобгар “ЖЖЖ” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси директори Г.Б.Тларга нисбатан, “ЖЖЖ” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси Ижроия органи (директор Г.Б.Т шахсида)нинг жамият иштирокчилари умумий йиғилишини чақириш тартибига риоя қилиш, жамият иштирокчилари олдида ўз вақтида ва ишончли ҳисобот бериш билан боғлиқ қонун талаблари ҳамда жамиятнинг ички корпоратив актларида белгиланган қоидаларини лозим даражада бажармаслик, жамиятнинг вақтинча тўловга қобилиятсизлик даврида, жамиятнинг банкротликдан олдинги ҳолатида тегишли чораларни кўрмаслик, ички аудит ва ташқи аудит хизмати томонидан аудитни ўз вақтида ўтказишдан бош тортиш билан боғлиқ ҳаракатсизликларини ноқонуний ва жамият иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузган топиш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар вакиллари Р.С (2023 йил 6 октябрдаги нотариал тасдиқланган ишончнома ва 2023 йил 18 сентябрдаги 14-сонли ордер асосида) ва С.А (2023 йил 21 августдаги нотариал тасдиқланган ишончнома асосида)лар иштирокида, вилоят суди биносида, видеоконференцалоқа режими (Тошкент туманлараро иқтисодий суди кўмак-лашувида)даги очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъвогар “ДДД” компанияси (Хитой) (кейинги ўринларда *“даъвогар”* деб юритилади) Сирдарё вилоят судига жавобгарлар “ЖЖЖ” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси, таъсисчиси “ЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамияти ҳамда қўшимча жавобгар “ЖЖЖ” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси директори Г.Б.Тларга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “ЖЖЖ” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси Ижроия органи (директор Г.Б.Т шахсида)нинг жамият иштирокчилари умумий йиғилишини чақириш тартибига риоя қилиш, жамият иштирокчилари олдида ўз вақтида ва ишончли ҳисобот бериш билан боғлиқ қонун талаблари ҳамда жамиятнинг ички корпоратив актларида белгиланган қоидаларини лозим даражада бажармаслик, жамиятнинг вақтинча тўловга қобилиятсизлик даврида, жамиятнинг банкротликдан олдинги ҳолатида тегишли чораларни кўрмаслик, ички аудит ва ташқи аудит хизмати томонидан аудитни ўз вақтида ўтказишдан бош тортиш билан боғлиқ ҳаракат-сизликларини ноқонуний ва жамият иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузган топишни сўраган.

Ишни кўриш вақти ҳамда жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгарлар ва қўшимча жавобгар суд мажлисига келмади. Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда *“ИПК”* деб юритилади) 128, 170-моддалари талаблари асосида ишни унда мавжуд материаллар асосида жавобгар (вакили) иштироки-сиз кўришни лозим топади.

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакиллари судга ариза тақдим этиб, жавобгарга нисбатан билдирилган даъво талабидан тўлиқ воз кечишини, даъводан воз кечиш оқибатларини тушунишларини маълум қилиб, иш юритишни тугатишни сўрадилар.

Суд, даъвогар вакилларининг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвогарнинг даъво талабидан воз кечиш тўғрисидаги аризасини иш юритишга қабул қилишни ва даъво аризаси бўйича юритилган иқтисодий иш юзасидан иш юритишни тугатишни лозим топади.

ИПК 157-моддаси иккинчи қисмига кўра, даъвогар ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда тегишли суд инстанциясида ишни кўриш якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Суд, даъвогарнинг даъво талабидан воз кечиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган қонуний манфаатларини бузмайди деб ҳисоблаб, даъвогарнинг даъво талабидан воз кечиш тўғрисидаги аризасини иш юритишга қабул қилишни ҳамда даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатишни лозим топади.

Бинобарин, ИПК 110-моддасининг олтинчи бандига мувофиқ, даъвогар даъвосидан воз кечган ва суд уни қабул қилган бўлса, суд иш юритишни тугатади.

Бундан ташқари, ариза вакил сифатида адвокат Р.С томонидан имзоланган бўлиб, даъвогар (ЧЗБ) томонидан вакилга берилган 2023 йил 6 октябрдаги ишончномада даъво талабларидан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ваколати берилган.

ИПК 63-моддасига кўра, судда иш юритиш ваколатлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради, бундан даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битими, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишувни тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулкни ёки пулни олиш мустасно.

Вакилнинг ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари у қайси шахс томонидан вакил қилинаётган бўлса, ўша шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

Ўз навбатида, ИПК 64-моддаси биринчи қисмида, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва улар вакилларининг ваколатларини текшириши шарт эканлиги назарда тутилган.

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Суд, қайд этиб ўтилган қонун талабларига асосан даъвогарнинг даъво талабларидан воз кечганлигини, ариза Г.С томонидан ваколатли вакил сифатида имзоланганлигини инобатга олиб, даъво аризаси бўйича юритилган иқтисодий иш юзасидан иш юритишни тугатиш лозим топади.

Шу билан бирга суд, суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб, ИПК 116, 118-моддаларига асосан, олдиндан тўланган 3 300 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажатини даъвогар зиммасида қолдиришни, ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 85 000 сўм суд харажатини жавобгар “ЖЖЖ” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси ҳисобидан ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 110-моддаси 6-банди, 116, 118, 170, 195-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л а д и:

“ДДД” компаниясининг 2024 йил 16 январдаги даъво талабидан тўлиқ воз кечиш тўғрисидаги 01-сонли аризаси иш юритишга қабул қилинсин.

4-12-2303/7-сонли иқтисодий иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

“ЖЖЖ” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб-варағига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 85 000 сўм суд харажати ундирилсин.

Даъво аризаси билан мурожаат қилишда олдиндан тўланган 3 300 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати “ДДД” компанияси зиммасида қолдирилсин.

Ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья Э.Соибназаров